

Озода Турмухамедова

УЙИНГИЗГА ФАЙЗ КИРИТИНГ



Озода Турмухамедова

УЙИНГИЗГА ФАЙЗ КИРИТИНГ

Оилапарвар бекалар учун
энг муҳим ҳаётий тавсиялар

Тошкент
«Akademnashr»
2015

КБК: 159.923

КБК: 88.5

T 90

T 90 Турмухамедова, Озода

Уйингизга файз киритинг/ О.Турмухамедова. –
Тошкент: Akademnashr, 2015. – 64 б.

ISBN 978-9943-995-04-8

КБК: 159.923

КБК: 88.5

Ҳозир одамларда чиройли уй қуришга қизиқиш жуда кучайган. Ҳатто кўп қаватли уйларнинг хонадонлари ҳам бир-бирига ўхшамаган кўри-нишда қайта таъмирланмоқда. Булар фаровон турмуш тарзига эришиш йўлидаги интилишлардан дарак беради. Аммо натижалар-чи? Ўша чиройли уйлар ичидаги ҳаёт ҳам қўзланаётган мақсадга мосми? Ҳашамат деганимиз баъзан совуқ ҳайбатга, жимжимадорлик деганимиз эса бошни айлантирувчи бачканалikka айланиб қолмаяптими? Энг муҳими, фаровон ҳаёт асоси саналадиган файз етарлими бу уйларда? Тажрибали психолог олима мазкур саволларга жавоб излар экан, ўз мулоҳазаларини соҳа олимларининг фикрлари ва ҳаётий мисоллар билан асослашга ҳаракат қилади. Шу жиҳати билан ҳам ушбу китоб хонадонига файз киритишни истаган ҳар бир оилапарвар инсон учун яхши дастуриламал бўла олади.

Тақризчилар:

З.Ҳалимова, тиббиёт фанлари доктори, профессор

Ю.Ўрмонова, тиббиёт фанлари доктори, доцент

ISBN 978-9943-995-04-8

© Озода Турмухамедова,
«Уйингизга файз киритинг»

© «Akademnashr», 2015

ҲОЛИМИЗДАН ДАРАК БЕРУВЧИ МАКОН!

Уйимиз – бизнинг кўрғонимиз, хотиржам ва дахлсиз ором оладиган ягона маконимиздир. Шу боис ҳам уйимизнинг ҳолати ҳаётимиз, турмуш тарзимизда ўта муҳим ўрин тутади. Зеро, ишхонадаги чарчоқлар, теварак-атрофдаги шовқин-сурон, кўчадаги безовталиклардан бизни ана шу қадрдон хонадонимизгина қутқаради. У бизга осойишталик бағишлаб, бамисоли шинам оролча сингари ўз бағрига олади.

Бу нарсани, аслида, ҳаммамиз яхши биламиз. Аммо масаланинг бошқа нозик томонлари борки, ана шу жойда баъзан кимлардир эътиборсизлик қилса, яна бировлар нотўғри йўлдан кетадилар. Биз ушбу китобчамизда айнан мана шу жиҳатларни ўрганиб, улар атрофида мулоҳаза юритишга, бу борадаги тажрибалар ва илмий изланишлар асосида хулосалар чиқаришга ҳаракат қиламиз. Умид қиламизки, биргаликдаги бундай уринишларимиз ўз натижасини беради ва хонадонимизга фойзу барака киритиш борасида ҳар биримиз ўз тасаввуримизни шакллантириб, бунинг учун нималар қилишимиз керагу нималардан сақланишимиз лозимлиги тўғрисида анча-мунча асосли йўриқномага эга бўламиз.

Умуман, уйда кечаётган воқеалар, бу ерда яшаётган оила аъзоларининг юриш-туришию турмуш тарзи, кайфияти, бир-бирига муносабати, айниқса, болалар тарбияси доимий равишда хонадонга ўз таъсирини ўтказиб туради. Айрим илмий қарашларга кўра, дунёда ҳеч бир ахборот изсиз кетмаганидек, хонадонда кечган воқеа-ҳодисалар ҳам уй ичида ўз изини қолдирар экан. Шу боис бирон жойга борганингизда уй ичкарасига қадам қўйишингиз билан у сизга ўз таъсирини ўтказади. Айрим хонадонлар хуш кайфият ато этса, баъзи жойларга киришингиз билан ўзингизни қандайдир салбий кучлар таъсирига тушиб қолгандек ҳис қиласиз. Бу нарса халқ орасида уйларнинг фойзли ёки фойзсиз, фариштали ёки фаришта-сиз эканлиги сифатида қаралади. Хўш, нега шундай?

Ушбу йўналишда олиб борилган тадқиқотларнинг кўрса-тишича, хонадонларнинг бу тарзда турлича бўлишига асосан хонадон аҳли сабабчи экан. Айниқса, уйнинг аёли, яъни бекаси бу жараёнда муҳим ўрин тутди. Шу боис ҳам хонадоннинг аҳволига қараб уй бекасининг ички дунёси, унинг энергетикаси, оила аъзолари билан муносабати тўғрисида кераклича хулоса чиқариб олиш мумкин экан.

Шу нуқтаи назардан қараганда, агар оила аъзоларининг ҳолати уйга таъсир қиладиган бўлса, демак, аксинча, уйдаги энергетикани ўзгартириш йўли билан оилавий аҳволни, ўзаро муносабатларни, болалар тарбиясини, атрофдагилар билан муносабатни ҳам ўзгартириш мумкин! Китобимиз ана шу хусусда.

Хуллас, мавзуга доир турлича қарашларни умумлаштирган ҳолда айтиш мумкинки, агар ҳаётингизни ўзгартирмоқчи бўлсангиз, ғайбий кучлардан ёрдам сўрамоқчи бўлсангиз, истеъдодингизни намоён қилмоқчи бўлсангиз, бойлик орттириб, ҳаёт неъматларидан етарлича баҳра олмоқчи бўлсангиз, аввало, ўзгаришни ўз хонадонингиздан бошлашингиз керак. Бунинг учун эса уйдаги қувватни тозалаб, илоҳий файз ва ижобий кучларни чақиришингиз лозим.

Албатта биз табиатнинг ва коинотнинг бир парчаси сифатида улар билан доимий алоқадамыз. Ҳатто миямиздаги фикрлар, ҳиссиётларимиз ҳам, гарчи уларни ўзимиздан бошқа биров билмайдигандек туюлса-да, атрофга қайсидир йўл билан тарқалади, ташқи олам билан ўзаро ахборот ва қувват алмашилиб турилади. Демак, биздаги ўша фикрлару ҳиссиётларнинг ўзи ҳам қайсидир даражада ташқи муҳит таъсири остида шаклланган бўлади. Ахир ҳаётда ўйлаб турган одамнингизнинг бирдан телефон қилиб қолиши ёки уйингизга кириб келиши, кўнглингиздан ўтган нарсаларнинг содир бўлиши каби ҳолатлар кўп кузатилади-ку (Бундай ахборот алмашилишини фанда интуиция, телепатия деб тушунтиришади).

Худди шундай боғланиш туфайли бизнинг барча ўй-режаларимиз ҳам коинотга тарқаб, уларнинг амалга ошиши учун шароит тайёрлана боради. Жумладан, хонадонимиз бу борада бизга биринчи кўмакдош бўлади. Шу боис ўз уйимизга қанча-



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi
<https://kitobxon.com/oz/asar/4383> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси
<https://kitobxon.com/uz/asar/4383> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную
версию можно найти на сайте
<https://kitobxon.com/ru/asar/4383>